# Адабиёт ва санъат



*1996 йил — Амир Темур йили*

## НОШИРЛАР ТУҲФАСИ

***Сир эмаски бугунги кунда халқимиз тарихида ёрқин из қолдирган буюк бобокалон Амир Темур шахсига бутун дунё катта қизиқиш билан қарамоқда. Айниқса жаҳонгир бобомиз Амир Темур ва Темурийлар даври ёритилган адабиётларни барча катта чанқоқлик билан мутолаа қилмоқда. Шундай экан, соҳибқироннинг 660 йиллик тўйи арафасида китоб жавонларимиз яна қандай қизиқарли нашрлар билан бойир экан?***

***Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг нашриётлар ва оммавий ахборот воситалари бошқармаси бошлиғи Жаббор Раззоқовдан юқоридаги саволга муфассал жавоб беришни илтимос қилдик.***

— Нуфузли халқаро ташкилот — ЮНЕСКОнинг қарорига мувофиқ 1996 йилда Амир Темурнинг 660 йиллиги жаҳон миқёсида нишонланиши барчамизнинг қалбимизда катта фахр ва ифтихор туйғулари уйғотди. Айтиш мумкинки, республикамиздаги ҳар бир нашриёт бу муборак санага ўзининг муносиб туҳфасини ҳозирлаяпти. Шу йилнинг апрель ойида китобхонларимиз қўлига бир қанча китоблар тегиши шубҳасиздир. Улар қайси китоблар? Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти томонидан «Темур тузуклари» китоби ўзбек, рус, инглиз ва форс тилларида 15 минг нусхада нашрдан чиқади. Шунингдек, М. Ашрафийнинг «Темур ва Улуғбек даври Самарқанд миниатюралари» альбоми, Фозила Сулаймонованинг «Навоий ва Беҳзод» номли буклети ўзбек, инглиз ва француз тилларида юқорида номи зикр этилган нашриёт томонидан чоп этилади.

«Ўзбекистон» нашриётида «Самарқанд» откриткалар мажмуи, «Темур даври меъморчилик обидалари» тақвими, «Амир Темур» номли плакат тайёрланди.

Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти ҳам тўйга ўзларининг тўёналарини ҳозирламоқда. Жумладан, Нуриддин Бердимуродовнинг «Гўри Амир мақбараси, 1941 йил», Бўрибой Аҳмедовнинг «Соҳибқирон Темур» асари чоп этилмоқда. Қомуслар бош таҳририятида эса «Темур ва Улуғбек даври тарихи» ҳамда Галина Пугаченкованинг «Темур даври меъморчилиги» китоби тайёрланмоқда.

Албатта, нашриётларимиз бу китоблар билан чекланиб қолаяптилар, десак нотўғри бўлади. Сабаби булар тез орада китоб расталарида пайдо бўладиган нашрлардир. Бундан ташқари Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти тарафидан Мухсин Қодировнинг «Темур ва темурийлар даври томоша санъати», Муҳаммад Алининг «Сарбадорлар», Т.Жўлматовнинг «Ўсмир бек», Жонибек Субҳоннинг «Безовта руҳ» асарлари тайёрланмоқда. «Шарқ» нашриёт- матбаа концернида Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асари, Евгений Березиковнинг «Амир Темур» романи, Пўлат Зоҳидовнинг «Амир Темур даври меъморчилиги» рангли альбоми ўзбек, рус, инглиз тилларида нашрдан чиқди...

Албатта келтирилган бу рўйхат денгиздан томчи, холос. Ишонамизки, юксак дидли халқимизга чоп этиладиган китоблар жуда манзур бўлади.

Назокат УСМОНОВА ёзиб олди.

*Дилкаш мутолаа*

## «ЧОР ДАРВЕШ»НИНГ МИНГ ФАЗИЛАТИ

XIX аср ўзбек мумтоз адабиётининг таниқли вакили Мулло Қурбон Хиромийнинг «Чор дарвеш» достонида иймон, эътиқод, одоб, ахлоқ мавзулари етакчи ғоялар саналади. Дунёда эллар, элатлар кўп. Улар турмуш тарзлари, урф-одатлари билан бир-бирларидан фарқ қилишади. Бинобарин турли табиатли одамлар ҳам ўз муҳитларининг тартиб-қоидаларига кўникишади. Бироқ, бутун борлиқни яратган тангри таологa эътиқод қўйишдек жаҳоний эҳтиёж борки, бу жами одамзот учун биргина йўл ҳамдир.

Достон Оллоҳнинг карамидан бениҳоя умидворлик ифодаси билан бошланади. Қустантания подшоҳи Озодбахт фарзанд тилагида саховатпешаликни касб қилади. Кечалари ибодат, кундузлари хайр-эҳсон билан машғул. Бироқ, муроди ҳосил бўлавермагач, яна қандайдир руҳий таскинлик истайди. У умид ва беқарорлик етагида мусофирлар қадамжолари ҳисобланмиш мозористонга «сайру жавлон» қилади. «Хуш ўлким, бу тун бесарупо чиқай». Шоҳнинг бу андишаси «Чор дарвеш»нинг замини халқ ривоятларида эканлигига бир асосдир.

Хиромий исломда таркидунёчилик бўлмагани учун ҳам асосий урғуни Озодбахтнинг умиди эмас, андишасига беради. У илтижоларим одми кийимда мустажоб бўлади деб эмас, савлатим элнинг эътиқодига парда бўлмасин, деб шоҳона кийимини алмаштиради. Яратганнинг бандаларига атаган неъматлари беҳисоб. Гап улардан баҳра ола билишда. Одамларнинг чеҳрасию ғазаби, яхшилигию ёмонлиги тўла ҳамият! Ато этилган яхшиликка-ку шукр, баъзан кўрилган ёмонликдан ҳам кутилмаган рўшнолик кўрасан. Яъни, арзимаган ютқазиш муҳим бир ютуққа эришувингга сабаб бўлади.

Ямонлик савдогар отадан қолган беҳисоб мол-мулкни ҳавойи ҳаваслар йўлида совуради, майхўрликка берилади, ҳуда-беҳуда зиёфатлар уюштиради. Аслида фарзанд отадан қолган мероснинг қадрига етиши, янада кўпайтирмоғи, фақат яхшиликка сарфлаши билангина уни ўзиники қила олади. Шу маънода савдогарнинг ота мулки ҳали ўзиники бўлмаганлиги учун ҳам ночор қолади. Қилган тантиликлари эвазига яқинларидан жавоб ололмагач, тушунади. Яхшиям, хорлик ва муҳтожликдан жонажон синглиси қутқариб қолади.

«Ким покдомон бўлса, у фақат ўз фойдаси учун покдомон бўлур» дейилади Қуръони Каримда. Достоннинг асосий ғояларидан бири ҳам ҳалоллик. Ажам мулки шаҳзодаси шикорда бир кийикни ярадор қилади-да, ўлжасининг изидан боради. Нимадир кўнглига солинганидан навкарларига ўзига эргашмасликни тайинлайди. Бегуноҳ жониворни ярадор қилгани учун яқин сониялар ичида тавба қилажаги муқаррарлиги боис, шаффоф чашмага дуч келади. У таҳорат олиб, ибодат қилади. Ахир у чашмани четлаб ўтиши, таҳорат қилиши хаёлига келмаслиги ҳам мумкин эди. Оллоҳ иноят қилиб, қилинажак руҳий ибодати учун унга жисмини ҳалоллаб олишига имкон беради. Кўп ўтмай, кийикни бағрига босган «пири роҳ»ни кўради. Ноласидан даҳшатга тушади: «Сенга ким етурса бу янглиғ зарар. Бўлур ул ҳам сендин баттар». Шаҳзода чолдан гуноҳини кечиришини сўрайди. Астойдил тавба-тазарру қилади...

Достондаги ҳар бир қаҳрамон қилган яхши-ёмон амали билан улуғ назар шуъласи остида ҳаракат қилади. Бири «Куним бўлди кечу намозим қазо» дея қўрқувга тушади. Иккинчиси «Ки тангри берди менга қайтадин мол» дея шукроналик келтиради. Яна бири «Тангри учун шарм қил» дебон ҳамроҳини инсофга чақиради.

«Чор дарвеш» достони халқона асар. Хиромий уни исломий ҳақиқатлар билан янада бойитган. Буддапарастни «барча гумроҳлар сарвари» деб, сеҳргарликнинг зарарли оқибатдан бошқа нарса эмаслигини исботлаган. Айниқса, масжид ва унда жамоа бўлиб намоз ўқилиши баёнига эътибор қилайлик:

**Чу кўрдим, икки тан тиловат қилур,**
**Тиловат қилибон ҳаловат қилур.**
**Кириб анда дарвозадан ичкари,**
**Кўрармиз тиловат ила эл бари.**

Хуллас, достондаги бирор воқеа ёки одам тақдирини Ҳаққа бўлган муҳаббат ғоясидан ажратиб бўлмайди. Қолаверса, бу уйғунлик табиий ҳамдир.

Илҳом АҲРОР.



**Нодира Рашидова китобхонларга ўзининг «Умр лаҳзалари», «Кўнгил» шеърий тўпламлари билан танилган ижодкордир. Айниқса унинг оташин шоир Усмон Носирга бағишланган «Қанот қоққан каптарлар» радиопьесаси тингловчиларга ғоятда манзур бўлди. Нодира Рашидова кейинги йилларда бир талай ҳикоялар ёзмоқда. Унинг «Какку», «Нозима» ҳикоялари турли пайтларда «Оқшом» газетасида чоп этилганидан хабарингиз бор. Бугун муаллиф ўзининг янги ҳикоясини оқшомхонларга тақдим этмоқда.**

## ЛОЖУВАРД ТОШ

### Саргузашт ҳикоя

Турсунали Раҳимахонга совчи қўйгани, қизнинг ота-онаси розилик бермагани ҳеч кимни ажаблантирмади. Лекин шундай бўлса ҳам қўшни аёллар ҳол-аҳвол сўраган бўлишиб, Мастурахон аяникига киришди.

— Кўрмайсизми, қизим Раҳимахон институтни битириб, олий маълумотли доктор бўлиб келган бўлса-ю, — гап бошлади Мастурахон ая қўшни аёлларга бирин-кетин чой узата туриб. — Қандай қилиб илми йўқ, билими йўқ йигитга берамиз?.. Бўлмайди-да...

— Ҳа, қўшнижон, тўғри, — аянинг гапини тасдиқлади Марямхон. — Турсунали келишган, бамаъни йигит, аммо трактор ҳайдаб, кетмон чопишдан нарига ҳеч ўтмаган.

— Ўзи Турсунали ҳақида баъзи-баъзида қулоғимга ғалати гаплар чалиниб қолади, — деди Мастурахон ая. — Тез-тез қўрғонга бориб туради дейишади. Эсимни танибман-ки, ҳамма у ердан қочади-ю, бу бола у ерда нима қиларкин деган хаёлга бораман. Раҳбархон ҳам бундоқ ўғлини терғаб турса бўлмасмикин?!.. Ҳа-я, айтгандек, — бирдан эслаб қолди ая, — Турсунали «Раҳимахонга уйлансам ишларида ўзим ёрдам бериб тураман» деганмиш. «Нима бало, қозон-товоқлару, кир-пир ювишларни бўйнига оларканми йигит боши билан», деб жавоб қилдим!..

Аёллар кулиб юборишди.

— Тунов куни, — Одинахон барчани ўзига қаратди, — қуёш ботиши пайти эди, сув-пув сепиб қўяй деб кўчага чиқсам, биров Зарқўрғонга қараб чиқиб кетяпти. Шарпасидан таниб қолдим — Турсунали экан. У ёққа борганини кўп кўраман. Сизга ўхшаб мен ҳам у қўрқинчли жойларда унга нима боракан деб кўп ўйлайман...

— Шуларни била туриб, биттаю-битта кўзимнинг оқу-қораси бўлган қизимни унга бериб бўладими-я!.. — Мастурахон ая ҳаяжонланиб кетди.

Аёллар яна бироз гаплашиб ўтирдилар-да, кейин бирин-кетин тарқалишдилар. Ўша куни Раҳимахон ишдан барвақтроқ қайтди. Ҳайрон бўлган Мастурахон ая қизини хавотирланиб кутиб олди:

— Ҳа болам, тинчликми?

Раҳимахон сўрига яқинлашиб онасининг ёнига ўтирди. Тузалган дастурхонга ишора қилиб:

— Биров келдими, ая? — деб сўради.

— Ҳа, қўшнилар чиқишувди, — бепарвогина жавоб қилди Мастурахон.

— Ҳа-а, — деб қўйди Раҳимахон ва бироздан кейин яна секингина сўради, — бошқа ҳеч ким келмадими?

Мастурахон ая қизига синчковлик билан қаради:

— Нимайди, қизим, биронтаси келиши керакмиди?

— Йўқ, ая, ўзим, — Раҳимахон саросималаниб, — дастурхонингизни астойдил тузабсиз-да, — деб қўйди. Кейин дик этиб ўрнидан турди-ю, «Кийимимни алмаштириб чиқай», деб ичкарига кирди.

Ая қизининг кетидан қараб қолди. Бўйи-бастига қувонди, лекин «Ёши ўтиб боряпти, ҳанузгача тенги чиқмапти» деган ўй юрагига найзадек санчилди. Қизи кирган хонага тикилганича уни дуо қилди.

Эртаси куни эса Раҳимахон ишдан паришонҳол қайтди. Уни безовталаниб кутиб олган онасига бироз чарчаб-толиққанлигини айтиб баҳона қилди. Кечки овқат пайтида ҳам, қозон-товоқларни ювиб басарлаётганида ҳам у ҳеч гапирмади, ота-онасининг суҳбатларига аралашмай хонасига кириб кетди. Раҳмонали ака қўйларга ем бериб қўйиш учун ўрнидан тургач, Мастурахон ая қизининг олдига кирди. У кеча ўзи тикиб олган оппоқ дўхтирлик халатининг этагини букиб ўтирарди.

— Қизим, бир нима бўлдими, маъюссан бугун? — она қизининг ёнига келиб ўтирди. — Бирон еринг оғрияптими? Рисолат холани айтиб чиқай, кинна-пинна солиб қўйсин, — деб Раҳимахоннинг бошини силади.

— Йўқ, аяжон, ҳеч қаерим оғримаяпти, касалхонада иш кўп, чарчадим шекилли, — тинчитди онасини қиз.

— Ҳа, майли болам, ҳовлига чиқақол. Тоза ҳавода енгил тортасан. Мастурахон ая ўрнидан оғир қўзғалиб ташқарига чиқди.

Раҳимахон халатига дазмол ургиси келмади, уни тахлаб курсига қўйди-да қайтиб ерга тўшалган кўрпачага ўтирди. Иягини тиззасига тираганча хаёл оғушига чўмди...

Бир куни касалхонага ўн икки ёшли болани келтиришди. Лаблари, тирноқлари кўкарган, нафас олиши оғирлашган бу бола Раҳимахоннинг ҳамқишлоғи Ҳотам полвоннинг ўғли экан. Боланинг юрагида туғма хасталиги бор бўлиб, шу сабаб тез-тез даволаниб турар, лекин бу даволанишлар дарддан халос этишга ожиз эди. Бир неча кундан кейин Раҳимахон Ҳотам полвонга ўғлини Тошкентга олиб бориб, ўзининг устозлари бўлган йирик мутахассисларга кўрсатиш кераклигини айтди. Боланинг дарди оғирлигини тушунтирди ва қўлига йўлланмани олган Ҳотам полвон эртаси куниёқ Тошкентга жўнади. У қишлоққа хомуш қайтди. Дўхтирлар ўғлини кўп текшириб кузроқда операция қиламиз дейишганини айтди. Бутун қишлоқ ваҳимага тушди. Айниқса қариялар «юракни ёради-ю одам соғ қоладими-я! Қўйинглар-э дард берган худойимнинг ўзи шифосини беради» деб Ҳотам полвонни бу йўлдан қайтаришга уриндилар. Гавдаси табиатан катталиги учун «полвон» деб аталган Ҳотам ака бирпасда киртайиб ранги синиқиб қолди. Бу ғам барча қишлоқ аҳлини безовта қилиб қўйди. Ҳамма куз келишини кута бошлади.

Болани касалхонага ётқизиб Раҳимахонга топширдилар. Бош врач яхшироқ назорат қилиш лозимлигини алоҳида тайинлади. Боланинг аҳволи анча оғир эди, жиндек юриб, бироз ортиқча ҳаракат қилса нафаси қисиб, лаблари кўкариб ҳансираб қоларди. Шунинг учун у хонасидан чиқмай, кўпроқ ётар, ётган жойида китоб ўқиб, расм чизиш билан кунини ўтказарди.

Бир куни намозшом пайти касалхонага Турсунали келиб навбатчиликка қолган Раҳимахонга учраб, болани бир оз тоза ҳавода айлантириб келмоқчи эканлигини айтди.

— Қўлимда кўтариб юраман, ҳеч безовта бўлманглар, — деб дўхтирларнинг рухсатини олди. Ваъдаси устидан чиқиб ярим соатда болани олиб келди-да, ўрнига ётқизиб чиқиб кетди.

Ярим тунда Раҳимахонни шошилиб кириб келган ҳамшира, бола ётган хонага чақирди. Бола хириллаб, нафас олиши ниҳоятда қийинлашган эди. Раҳимахон бироз саросимага тушиб қолди, кейин болага кислород беришни буюрди. Ҳамшира кетиб боланинг кўкрагини массаж қилиб сунъий нафас бера бошлади. Беш-олти дақиқадан сўнг бола бирдан тинчиди-да терга ботиб уйқуга кетди. Раҳимахон туни билан мижжа қоқмай боланинг тепасида ўтириб чиқди. Ҳам ўзини, ҳам Турсуналини ич-ичидан койиди. Айлантиргани олиб чиқишга рухсат берганлигига пушаймон қилди.

Эрталаб бола тетик бўлиб уйғонди. Кечагина лаблари ва тирноқларида яққол кўринган кўкимтир ранг йўқолгандек эди. Раҳимахон кўзига ишонмади, лекин ҳеч кимга ҳолатини билдирмади ва боланинг юз-кўзини ювдирдию ҳамширадан нонушта беришларини сўради. Ҳаяжон, юрагини чулғаб олаётган ваҳимадан ўзини қаёққа қўйишни билмади. Титроқ қўллари билан болага ширин чой узатиб, ширгуручни олдига қўйди. Бола бир зумда ликобчани бўшатиб, чойни симирди-да: бардам қараш қилиб «Опа, ўрнимдан туриб юрсам майлими?» деди.

— Йўқ, болажон, шошма. Бироз дамингни ол-чи, кўп ҳаракат қилмай тургин. Битта кардиограмма қиламиз-у, ўйнайверасан, — деб болани ҳамширага топшириб хонадан чиқди.

Кардиограмманинг жавобини кўриб Раҳимахон ўз кўзларига ишонмади. Қайта-қайта текширтирди. Жавоби битта: боланинг юрагида илгари кўринган дарду хуружнинг асорати ҳам йўқ. Бу аҳволдан барча дўхтирларни огоҳ қилди. Биргаликда болани яна текширдилар, жавобларни синчиклаб кўрдилар. Бола соппа-соғ эди. Бу ҳозир ҳеч ким еча олмайдиган муаммони энди фақатгина Ҳотам аканинг ўзи яна бир бор Тошкентга бориб илгари болани кўрган дўхтирларга уни қайта кўрсатиб ечиши мумкин эди. Бундай хабарни эшитган Ҳотам ака эртаси куниёқ ўғлини олиб Тошкентга жўнади ва бу гал орқасига жуда тез қайтди. Хурсандлиги ичига сиғмасдан қайтди. Марказдаги дўхтирлар ҳам ҳайратдан бошларини қашиб қолганликларини айтиб, тоза завқланиб кулди.

— Энг қизиғи, ўғлим тўртинчи қаватга зинадан югуриб-югуриб бемалол чиқди-я! Шунча пиёда юрдик, бирон марта чарчадим демади, — деди қувониб. — Хуллас, худонинг ўзи шифосини беради деган гап бежиз гап эмас экан-а, дўхтирлар... — Ҳотам аканинг чеҳраси қуёшдек порларди.

Раҳимахон врачларнинг бу ғалати ақл бовар қилмайдиган воқеа ҳақидаги умумий мажлисларда ҳам айтилган фикрларини кўп мулоҳаза қилиб юрди, рентген, кардиограммаларнинг жавобларини бошқатдан бирма-бир диққат қилиб кўриб чиқди. Лекин бола юрагидаги бу кескин ўзгаришнинг сабабларини тушунолмай боши қотди. Болани четдан анчагача назорат қилиб юрди. Унда кундан кунга яхши томонга бўлаётган ўзгаришни кўриб қувонди, аммо бу сирнинг тагига на у, на бошқа врачлар, ҳатто марказдаги ўзининг оламга танилган устозлари ҳам етаолмаганликларидан хуноби ошди.

Ҳамманинг эсидан бу воқеа ҳали чиқмай туриб, яна бир бошқа воқеа шов-шувга сабаб бўлди.

Кўп йиллардан бери касалхонага келиб дамба-дам даволаниб кетадиган бир бемор бу гал оғир аҳволда келтирилди. Дўхтирлар унинг қариндош-уруғларига тўғрисини айтишга мажбур бўлдилар. Умид йўқ дедилар. Беморни уйдагилар олиб кетишди. Жигари батамом ишдан чиққан бу одам қишлоқнинг кўп йиллардан бери жонкуярлик билан хизмат қилиб келаётган почтачиси Собир ака эди. Хушчақчақлиги-ю, одамшавандалиги учун уни яхши кўрмаган киши йўқ эди.

(Давоми 4-бетда).

*Болалик боғи*

### БИРИНЧИЛИК ТИЛАЙМАН

**Қани айтиб беринг-чи,**
**Не дегани биринчи?**
**Эҳ, мазмуни қандайин?**
**Ёқар қаймоқ, қантдайин.**
**Ўқитувчинг кўрганда**
**Салом бергин биринчи.**
**Сенга яна ошади,**
**Дилда меҳру севинчи.**
**Биринчилар билағон,**
**Фикри бўлар илағон.**
**Доим ҳушёр юради,**
**Кўп ишга улгуради.**
**Бўлар чаққон,**
**Чемпион.**
**Биринчилик хўп маза,**
**Тарқар яхши овоза.**
**Яшасин биринчилик,**
**Барча уни билади.**
**Мактаб, уйда, кўчада**
**Ҳавас, ҳурмат қилади.**
**Эсда тутгил, одатда,**
**Биринчи бўл одобда.**
**Эсингда бўлсин ўртоқ,**
**Бўлма биринчи қолоқ!**
**Биринчи тўпалончи,**
**Ва биринчи ёлғончи...**
**Лапашанг-у ландовур**
**Бўлиш расво-бўлмағур.**
**Эй, болалар, мен сизга**
**Биринчилик тилайман.**
**Ким биринчи «беш» олса**
**Биринчи табриклайман.**

### КЕЛТИРАСИЗ ҲАВАСИМ

**Болалар, сизларга**
**Айтайин ростим,**
**Ҳар қачон, ҳар ерда**
**Келар ҳавасим.**
**Ёқади қий-чувлар**
**Шовқинларингиз,**
**Сезилар юракда**
**Тўлқинларингиз.**
**Ҳавасим келтирар**
**Чопқирлигингиз.**
**Билағон ва бийрон**
**Топқирлигингиз.**
**Гулзорлар ёқалаб**
**Изғишларингиз,**
**Гоҳ чарчаб, толиқиб**
**Мизғишларингиз.**
**Минг яйраб кетаман**
**Айтсангиз қўшиқ,**
**Тарқайди бир зумда**
**Ташвишдан тўсиқ.**
**Ҳавасим келтирар**
**Дарс тинглашингиз.**
**Қолоқлар устидан**
**Ҳиринглашингиз.**
**Бўлмаса ҳеч сизнинг**
**Кам-у кўстингиз,**
**Кўпайса ҳар ерда**
**Яқин дўстингиз.**
**Оламни янгратсин**
**Кулгуларингиз.**
**Гуллар ёзаверсин**
**Орзуларингиз.**
**Болалар, сизларга**
**Келар ҳавасим.**

### СОВУҚНИ ЕГАН БОЛА

**Бир болакай**
**Совуқ ебди,**
**У барчага**
**Шундай дебди.**
**Совуқни ҳам**
**Еб бўларми?**
**Шунақаям**
**Деб бўларми?**
**Эҳ, шунчалик**
**Оч эканми?**
**Совуқ унга**
**Ош эканми?**
**Ўйлаб қолдим**
**Ўзим бир зум,**
**Еса бўлар**
**Олма, узум,**
**Қачон бўлган**
**Бу аслида?**
**Ғап тарқаган**
**Қиш фаслида.**
**Юрганидан**
**Яланг-юпун,**
**Совуқ еган**
**Шунинг учун...**

### САРТАРОШНИНГ НИЯТИ

**Эй, сартарош, сартарош,**
**Омон бўлсин дейсан бош.**
**Ниятинг —**
**Фазилатинг.**
**Кийибсан оппоқ либос,**
**Барча ниятингга мос.**
**Тутасан тоза сочиқ,**
**Кўнглинг ҳам сахий, очиқ.**
**Келганга бериб салом**
**Кўргузасан эҳтиром.**
**Бунча иссиқ истаранг,**
**Ўткир бўлсин устаранг.**
**Келган кекса-ю ёшга**
**Аввал қарайсан бошга.**
**Одамларни бир пасда**
**Қиладурсан ораста.**
**Соч, соқолни қирасан**
**Гўё яшартирасан.**
**Бокма сочи пахмоққа,**
**Унақа беахлоққа.**
**Дили шод сартарошим,**
**Сенга тутаман бошим.**

Пўлат МЎМИН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

*Маданият масканларида*

## ҚУВОНЧЛИ КУНЛАР ДАРАКЧИСИ

Ўзбек халқининг ҳеч бир тантанаси йўққи, унда карнай-сурнай садолари янграмаган бўлса. Қувончли кунларнинг даракчиси сифатида бу кўҳна созлар кишиларга бир олам қувонч улашиб келади. Шаҳримизда ўтаётган кўплаб шодиёналарга ҳам карнай-сурнай наволари байрамона кайфият улашиб, ҳақиқий тантаналар шукуҳини бермоқда. Ана шундай яхши кунларга бел боғлаб келаётган ансамбль бугунги кунда Яккасарой туман Абдулла Авлоний номидаги маданият уйида фаолият кўрсатмоқда.

Ансамбль илк бора саҳнага 1984 йил қутлуғ қадамини қўйган эди. Баҳодир Ҳакимов раҳбарлигидаги бу ансамбль миллий куйларимизга жозиба, сайқал бериб халқимиз қўшиқларини созларга мослаб, ўзгача бир жаранг билан шинавандаларга тақдим этмоқда. Карнай ва сурнайда жаранглаган «Ёр-ёр», «Дучава», «Дилхирож», «Андижон дучаваси» юрак қатидаги умид кўзларини очиб, ажиб хаёллар оғушига узатади. Кўп нусхада грампластинкаларга ёзилган бу чолғу куйлари ҳам ансамблнинг ижрочиликка юксак маҳорат билан ёндошганлигидан, улар талқинидаги мусиқалар аллақачон ўз мухлисларини топа олганлигидан далолатдир.

Баҳодир Ҳакимов нафақат ансамбль қатнашчиларига, куйга иштиёқи бор ёшларга ҳам бу кўҳна санъат сирларини ўргатиб, ота-боболардан қолган созларнинг боқийлик шажарасига ҳисса қўшмоқда. Шогирдлар ҳам бетакрор оҳангларга бой мусиқаларни чуқур ўрганиб, халқимизнинг қувончли кунларида хизмат қилмоқда. Кўп йиллик хизматлари, элимиз олдидаги самарали меҳнатлари ансамбль миллий санъатимизни янада ривожлантиришда қўшаётган ҳиссалари учун 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги томонидан «Халқ ансамбли» деган юксак унвонга лойиқ деб топилди.

Ансамбль иштирокчиларидан Ҳабибулла Абдувалиев, Нурилла Абдуллаев, Раҳимжон Обидов, Назрулло Усмонов, Йўлдош Юсупов, Миродил Исроиловлар ижросида халқ анъаналарига содиқлигу саҳнадаги ўзига хос талқинни ҳис қилиш мумкин.

Айни кунлар ансамблнинг ижодий гуллаган даври, десак муболаға бўлмайди. Бир сўз билан айтганда, жамоа халққа шодлик бахш этиш, уларнинг қалбига мусиқа билан кириб бориш, нафосат гулшанининг атрини ҳадя этиш каби бахтга муяссар бўлган.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.



*Жаҳонда ўзбек рақсининг нозиклигига, оҳангдорлигига, дилкашлигига тан бермаган биронта халқ йўқ. Бу рақсларнинг ижодкори, уларни барчага манзур қиладиган маликаси — раққосалардир. Шунинг учун ҳам уларнинг хиромини кўриб, ҳар сафар офарин деймиз.*

*Даврон Аҳмад олган сурат.*

*Кўпнинг кенгашига*

## ЗИММАМИЗДАГИ МАСЪУЛИЯТ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташкил этилганидан бери унинг таркибида Драматургия кенгаши ҳам узлуксиз фаолият кўрсатиб келмоқда. Таниқли драматурглар, билимдон санъатшунос олимларидан иборат бу кенгаш республикамиз театрларининг репертуарини маҳорат билан ёзилган асарлар билан бойитишга муносиб ҳисса қўшишга, ёш иқтидорли драматургларнинг ижод сирларини эгаллашларига ёрдам беришга даъват этилгандир. Жамоатчилик асосида ишлайдиган мазкур кенгашга ўз вақтида академик Комил Яшин, Ўзбекистон халқ шоири Уйғун, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Туроб Тўла ва Ўлмас Умарбеков каби маданиятимиз арбоблари раҳбарлик қилишганини бугунги кунда ҳурмат ва ифтихор билан эслаймиз.

Наср, назм, болалар адабиёти, танқид ва адабиётшунослик кенгашлари сингари Драматургия кенгаши ҳам муаллифларга ижодий маслаҳат берувчи тузилма. Асосий вазифаси янги пьеса ва либреттоларни атрофлича муҳокама қилади, асарларнинг ютуқ ва камчиликларини аниқлашга ёрдам кўрсатади, пойтахт ва вилоят театрларида саҳналаштирилган янги спектаклларни қабул қилишда қатнашади.

Ўтган 1995 йилда драматургия ва театр маданияти соҳасида ҳам бирмунча ютуқлар қўлга киритилди. Республикамиздаги мавжуд ўттиздан ортиқ театрда бир юз ўттизга яқин премьера бўлди. Шулардан етмиш спектакль оригинал асарлар асосида яратилди. Булар драма, комедия, мусиқали драма, мусиқали комедия, опера, балет ва қўғирчоқ спектакллардир.

Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри азалдан бўлиб келаётганидек, ўтган йили ҳам жумҳурият театрлари орасида карвонбошилик қилди, драматурглар учун ижодий лаборатория вазифасини ўтади, дейиш мумкин. Отахон театримизда бешта янги асар саҳналаштирилди. Таниқли драматург Ҳайитмат Расулнинг «Муҳаббат султони» шеърий драмасидан чин севги, вафодорлик юқори пардаларда тараннум этилди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг «Уфқ» драмаси Ғалабанинг 50 йиллиги байрамига бағишланди, ватанпарварлик, элюрт олдидаги бурч, мардлик туйғулари тараннум этилди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг «Қатағон» асарида яқин ўтмишимиздаги диққинафас турмушимиз тавсиф этилиб, «Бугунги эркин ҳаётимизнинг қадрига етайлик, мустақиллигимизни мустаҳкамлайлик», деган ғоя илгари сурилади. Таниқли драматург Ҳайдар Муҳаммаднинг «Жиноят устида ушлансин» драмасида милиция ходимларининг беҳаловат турмуши, фидокорлиги тасвирланади. Ғарб драматургларидан бўлмиш Жон Патрикнинг қаламига мансуб «Кампирни гумдон қилмаймизми?» комедиясини ҳам томошабинлар қизғин кутиб олишди. Кўряпмизки, отахон театримиз даврга ҳамоҳанг, ҳамнафас бўлиб, санъат мухлисларига турли жанрларга мансуб соз томошалар тақдим этиб келмоқда.

Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқали театрида ўтган йили саҳналаштирилган асарлар орасида Эркин Самандаровнинг «Башорат», Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўлмас Умарбековнинг «Фотима ва Зуҳра» томошалари театр маданий ҳаётида муҳим воқеалардан бўлди, дейиш мумкин. Пойтахтдаги бошқа театрларда ҳам бир қатор яхши асарлар саҳна юзини кўрди. Аброр Ҳидоятов номидаги драма театрида қўйилган Гарсиа Лорканинг «Бернардо Албанинг уйи», Йўлдош Охунбобоев номидаги театрда саҳналаштирилган И. Володиннинг «Севганингдан айрилма», Абдулла Қаҳҳор номидаги Республика сатира театрида қўйилган шоир ва драматург Тўлқиннинг «Бобом уйланмоқчилар» спектакллари шулар жумласидандир.

Юқорида айтилганлардан кўринадики, спектаклларнинг сони жиҳатидан нолийдиган жой йўқ. Лекин сифат жиҳатидан-чи? Асосий вазифа спектаклларнинг бадиий жиҳатдан юксак савияда бўлишига эришишдир. Бунинг учун, бизнингча, бир қатор тадбирларни амалга ошириш зарур.

Илгарилари кўпдан бери давом этиб келаётган анъанага кўра Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигида республика театрларининг йилллик репертуар режасининг лойиҳаси тузилгач, кўриб чиқиб, ёзма равишда фикр билдириш учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига юборилар, лойиҳа Драматургия кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида атрофлича муҳокама қилинар, репертуарни бойитиш юзасидан мулоҳазалар билдирилар, қўшимча тавсиялар берилларди. Шундан кейингина республика театрларининг йиллик режасини тасдиқлашга рухсат берилар эди. Хуллас, театрлар қиёфасини шакллантиришда қалам аҳли яқиндан иштирок этарди. Бундай иш услуби тўрт йилдан бери тўхтаб қолди. Фикримизча, бу тадбир яна жорий қилинса, театр санъати равнақига ижодий нафи катта бўларди. Зотан, драматургия — театр санъатининг пойдеворидир. Яна бир анъана шу эдики, хоҳ пойтахт театрида бўлсин, хоҳ вилоят театрида бўлсин, ҳар бир янги спектаклни қабул қилишда Маданият ишлари вазирлигининг расмий ходими билан бирга Ёзувчилар уюшмасининг вакили ҳам албатта иштирок этарди, ҳар бир янги асарга катта талаб билан ёндошиларди.

Сўнгги йилларда Ёзувчилар уюшмасининг вакиллари пойтахт театрларида саҳналаштирилган ҳар бир янги асар қабули ва премьерасига таклиф этиляпти, лекин вилоят театрларида қўйилаётган ўнлаб спектаклларнинг қабули ва қўригидан пойтахт жамоатчилиги бехабар қолаётир. Назаримизда вилоят театрларидаги ижодий жараёнга тажрибали, холис драматурглар ва билимдон театршунос олимлар кенг жалб этилса мақсадга мувофиқдир.

Республикамизда бешта рус театри фаолият кўрсатмоқда. Маълумки, улар рус тилида томошалар кўрсатувчи Ўзбекистон Республикасининг санъат ўчоғларидир, рус томошабинлари билан бирга русийзабон санъат мухлисларига ҳам хизмат этишга даъват қилингандир. Бас шундай экан, рус театрларида ҳар йили қўйиладиган бешолтидан асарнинг лоақал биттаси ўзбек адибининг қаламига мансуб бўлиши лозим. Ўзбек халқи турмуши билан республикамизнинг тили ва миллатидан қатъи назар ҳар бир фуқароси яқиндан таниша бориши нур устига аъло нурдир. Бунда театр санъатининг ҳиссаси ҳам бўлиши лозим. Рус театрларида қўйилаётган спектакллар халқлар дўстлигини янада мустаҳкамлаш ишига ҳисса бўлиб қўшилиши керак. Бунинг учун рус театрлари репертуарида ўзбек муаллифларининг энг яхши асарлари ҳам бўлиши шарт. Афсуски сўнгги йилларда республикамизнинг рус театрларида ўзбек драматургларининг асарлари деярли кўринмай қолди.

Маълумки, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» пьесаси билан тамал тоши қўйилган ўзбек драматургиясида ўтган 85 йиллик даврда бир қатор ҳеч эскирмайдиган, мумтоз асарлар ҳам яратилган. Улардан айримларини давр тақозоси билан, вақти-вақти билан яна саҳанага олиб чиқиб турилса арзийди. Ҳамиша замонавий оҳанг касб этувчи пьесаларимиз ҳам анчагина. Таниқли драматург ҳамда жамоат арбоби марҳум Баҳром Раҳмоновнинг «Юрак сирлари» ва «Сурмахон» комедиялари ана шундай асарлар сирасига киради. Театрларнинг 1996 йилги репертуаридан шу ва шунга ўхшаш асарлар ҳам ўрин олишини таклиф қилар эдик.

Маълумки, драматургия бадиий адабиётнинг энг мураккаб жанри ҳисобланади. Рисоладаги драматик асар ёзиш учун истеъдоддан ташқари жанр табиатини билиш, саҳна сирларидан воқиф бўлиш ҳам лозим. Бошқача айтганда, драматургда профессионализм, маҳорат кучли бўлиши керак. Акс ҳолда пьеса ҳар қанча чиройли, долзарб мавзуда ёзилган бўлмасин, агар саҳна талабларига жавоб бермаса, саҳна юзини кўрмай, адабий асар сифатида қолиб кетаверади. Шунинг учун ҳам ёш драматургларни тарбиялаб вояга етказиш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш, саҳна сирларини махсус ўргатиш маданий ва адабий жамоатчилик олдида турган муҳим ижодий вазифалардандир. Илгарилари собиқ Иттифоқда ҳар йили драматургларнинг бир ойлик семинарлари ўтказиларди, буларда ўзбек драматурглари ҳам фаол қатнашиб турардилар. Шунингдек, Марказий Осиё республикалари драматургларининг минтақа бўйича семинарлари бўларди. Афсуски, сўнгги йилларда мана шундай ижодий тадбирлар, адибларнинг ўзаро алоқалари деярли тўхтаб қолди. Эндиликда Ҳамдўстлик мамлакатлари бўйича, Марказий Осиё республикалари миқёсида адабий анжуманларни, ижодий семинар ўтказишни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Маълумки, кейинги эллик-олтмиш йил давомида ўзбек адибларининг, шу жумладан драматургларнинг ҳам асарлари асосан рус тили орқали бошқа тилларга таржима қилинарди. Энди бундай таржима ҳам тўхтаб қолди, ўрнини бошқа восита эгалламади. Натижада ўртада бўшлиқ пайдо бўлиб қолди. Бу билан айтмоқчимизки, жаҳон адабиётидаги энг сара ва ўзбек жамияти учун аҳамиятга молик асарларни аслида таржима этувчи, шу билан ўзбек насрида, назмида ва драматургияда яратилган энг гўзал асарларни таржимага тавсия этиш маркази тузишни турмушнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Театр жамияти ва Ёзувчилар уюшмаси биргаликда ҳар икки йилда бир марта ўтказиб келган анъанавий ёш адиблар семинарини яна оёққа қўйиш зарурлигини турмушнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Ҳозир янги даврда яшамоқдамиз. Замонамизнинг янги қаҳрамонлари вужудга келмоқда. Уларни адабиётда ва санъатда бадиий ифодалаш ижодкорлар зиммасидадир.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

